



*Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!*

Zarafshon

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

zarafshonbot



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 10-iyul, shanba, 78 (23.514)-son

Кун ҳикмати

Ғамингизни
миннат
қилманг,
у сизни
улғайтиради

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

Таҳлилларга кўра, мебель сотиб олиш кўп йиллик товарлар орасида уй харид қилишдан кейинги иккинчи ўринда туради. Мебель хариди динамикаси аҳоли турмуш даражасини ҳам белгилайди.

ҚОРАҒУППАНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ



Жаҳон иқтисодиётидаги глобал мойилликларнинг кўпчилиги айнан узоқ мuddатли фойдаланиладиган товарлар бозорларига қиради. Мебель бозори шундай бозорлар сирасидан.

Ўзбекистон хорижга ёғоч ва металлдан ишланган мебелларни сотади. Экспорт мебелидаги асосий харидорлар Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Миср, Туркия ва Россия ҳисобланади. Ўзбекистонда кейинги йилларда мебель ишлаб чиқарувчиларни кўллаб-қувватлаш, халқаро стандартларга жавоб берадиган ҳамда ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош мебель маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида жорий йил 21 июнда Президентининг "Республика ҳудудларида мебелсозлик саноатини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Бироқ ҳозирча республикада мебель экспортидан кўра импорти юқорилигича қолмоқда.

Аҳоли турмуш даражасининг ортиши ва мебелсозлик саноати маҳсулотларига бўлган талабни қондириш, республикадаги мебель ишлаб чиқарувчиларни кўллаб-қувватлаш, халқаро стандартларга жавоб берадиган ҳамда ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош мебель маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида жорий йил 21 июнда Президентининг "Республика ҳудудларида мебелсозлик саноатини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

МЕБЕЛСОЗЛИК – МАҲАЛЛА ДРАЙВЕРИ

Ҳисоб-китобларга кўра, мамлакатимизда (қўшниларни ҳам ҳисобга олганда) мебель маҳсулотлари бозори 2,5 миллиард долларга тенг. Лекин республика бўйича 5,5 мингта мебель корхонасидан 1,5 мингтаси аҳоли хонадонларида жойлашган бўлиб, уларни саноатлаштириш орқали камидан мингта лойиҳани амалга ошириш мумкин. Қарорга асосан, республикадаги 15 та туман, жумладан Паст Дарғом тумани (Қорағуппа маҳалласи) ҳам мебелсозликка мослаштирилади. Бу туманларда кластер шаклидаги мебелчилик кичик саноат зоналари ташкил этилиб, 200 миллион долларлик 450 та лойиҳа жойлаштирилади ва камидан 7,5 мингта янги иш ўрни яратилади. Мазкур кичик саноат зоналаридаги ишлаб чиқариш майдонларига эгалик қилишнинг маж-

бурий шарт кичик саноат зонасининг бош режасига асосан мебель ва унинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқариш ҳамда реализация қилишдир.

Қарорга кўра, жорий йил 15 июндан бошлаб 2021-2024 йилларда йиллик тушумида тайёр мебель маҳсулотлари экспортдан тушум улуши камидан 30 фоизни ташкил қиладиган маҳаллий корхоналарнинг хомашё импорти учун сарфланган транспорт харажатининг 50 фоизи;

2024 йил 1 январга қадар мебель маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган экспорт қилувчи корхоналарга мебель маҳсулотларини барча давлатларга, шу жумладан қўшни давлатларга экспорт қилишда автомобиль ва темир йўл ташиш харажатларининг 50 фоизи, бироқ маҳсулот экспорт қийматининг автомобилда 5 фоиз, темирйўлда 7 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда;

2023 йил 1 январга қадар мебель ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хомашё, эҳтиёт қисмлар, фурнитура ва аксессуарлар импортида божхона божининг қолдиқ ставкаси қўлланилади ва бу харажатлар Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан қопланади.

ҚОРАҒУППАДА ИШСИЗ ЙЎҚ

Давлат раҳбарининг қарорига асосан Паст Дарғом тумани Қорағуппа маҳалласида ҳам кластер усулида мебелчилик кичик саноат зонаси ташкил этилмоқда.

Маҳаллада 4 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади ва уларнинг 2100 дан ортигини аёллар ташкил этади, - дейди Қорағуппа маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тўлқин Шарипов. - Аҳолининг катта қисми корхона-ташкilotларда ишлайди. Уй шароитида касаначилик, хунармандчилик, савдо ва хизмат кўрсатиш, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик ва тадбиркорликнинг бошқа соҳаларида ишловчилар кўпайиб бормоқда. Шунингдек, 695 хонадон 286,5 гектар томорқа майдонида иссиқхона, чорва, парранда, асалари, балиқ, қуён боқишни йўлга қўйган. Иш билан бандлик юқори бўлгани учун маҳалла-мизда кам таъминланган оилалар деярли қолмади, ажримлар кескин камайди,

оилавий жанжаллар ҳам сезиларли равишда пасайди. Асосийси, ишсизлик муаммоси бартараф этилди. Бу айтишга осон, аммо қишлоқларда аҳоли бандлигини таъминлашнинг ўзи бўлмайди. Кўп йиллар аввал бизда ҳам ёшларимиз ишсизликдан қийналишарди. Кейин маҳалла-миздаги усталар шогирдлар тайёрлаб шу ерда мебелсозлик цехларини ташкил этишди. Шу тарика деярли ҳар бир хонадонда мебель ясаш билан шугулланишди. Ҳозир маҳалла-мизда 70 дан ортик мебель ясовчи усталар бор. Уларнинг ҳар бири 5-10 нафардан ёшларга шу касбни ўргатмоқда. Президентимизнинг виллоятимизга ташрифи чоғида берган топшириқлари ва 2021 йил 21 июндаги "Республика ҳудудларида мебелсозлик саноатини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан маҳалла-миз ҳудудидан 5 гектар ер майдони ажратилиб, мебелсозлик кластери ташкил этиш белгиланди. Шу пайтгача тадбиркорлар уй шароитида кичик устaxonада мебель ясаётган бўлса, эндиликда ўз ишлаб чиқариш цехларида фаолиятни давом эттириш имконияти яратилди. Бу ҳам ёшларимизнинг тадбиркорликка бўлган қизиқишини ошириб, аҳоли даромадлари орттиришга хизмат қилади.

ЎШЛАРНИНГ ИШИ ТАЙИН

Маҳалланинг энг ёш тадбиркорларидан бири Рифат Қаршиев 24 ёшда. У қарийб 10 йилдан буён мебель ясайди. Буюртма асосида тайёрланадиган 10 турдан ортик бежирим мебеллар виллоятимиздан ташқари пойтахт бозорларидан ҳам ўрин оларкан. Ёш бўлишига қарамай ун нафарга яқин тенгдошларини иш билан таъминлаган. Бундай уста тадбиркорлар эса маҳаллада кўпчилиكنи ташкил этади.

Дастлаб бозорда мебель олди-соттиси билан шугулланганимиз, - дейди уста тадбиркор Жўрабек Ҳасанов. - Кейин мебелларни ўзимиз ишлаб чиқариш фикри туғилди ва 4-5 йил аввал усталарга шогирд тушиб, хунарни ўргандим. Хомашёни маҳаллий бозорлардан, қоплама матоларини Тошкент шаҳри орқали Хитойдан оламиз. Ҳозир уйда ҳафтасига 2-3 тадан буюртмани бажарамиз. Маҳалла-мизда мебелчилик кластери ташкил этилса, ер олиб ишлаб чиқаришни кенгайтириш ниятидамыз.

Шу маҳалладаги "Шахриёр Элёр Абдувахоб" оилавий корхонаси раҳбари Шахриёр Қодиров уч нафар шогирди билан биргаликда ҳафтасига 2-3 та сифатли мебель жиҳозлари ясайди.

Маҳалла-миздаги мебелчи усталарга 2 йил шогирд бўлиб шу хунарни ўргандим ва уйдаги омборхонада ўкам ва ўртоғим билан иш бошладим, - дейди Шахриёр Қодиров. - Ҳозир яна уч нафар шогирд олдим. Ясаётган буюмларимиз хориж мебеллари билан рақобатлаша олади. Ҳозир 100 квадрат метрга яқин жойда ишляямиз. Энди фаолиятни ҳам цехни ҳам кенгайтирмоқчимиз.

Маҳаллада бўлганимизда кўчаларда бекор юрган кишини учратмадик. Бундай ёшлар эса истиқболда ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиб, мебелсозликда шахсий брендларини яратишга умид қиламиз.

Ўктам ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Бахтиёр МУСТАНОВ (фото).

Қўшработ майда шохли молларни етиштиришга ихтисослашади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республикада мавжуд яйловлардан унумли фойдаланиш, ипак ва жунни қайта ишлаш-ни кўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Унга кўра, 2022 йил 1 январдан бошлаб 2025 йил 1 январга қадар:

- ҳар йили етиштириладиган пилла (хўл пилла) ҳосилининг бир килограмми учун 5 минг сўм миқдоридан хонадонларда пилла етиштирувчи жисмоний шахсларга республика бюджетидан субсидия ажратилади;

- тўртзорларни суғориш учун фойдаланилган сув ҳажмига сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 50 фоиз миқдорда қўлланилади.

Қўшработ тумани жун йўналишидаги майда шохли молларни етиштиришга ихтисослаштирилади.

Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитаси Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси;


Республика "Қорақўлчилик" уюшмаси "Яйлов хўжалигини ривожлантириш" уюшмаси деб қайта номланди.

2022 йилда етиштириладиган пилла (тирик пилла) харид нархи 10 фоизга оширилади.

"Smart маҳалла"

мобил ахборот тизими ишга тушди

Бугун кўл телефондан фойдаланмайдиган одам деярли йўқ. Аммо мазкур қурилма аксарият ҳолларда алоқа воситаси сифатида хизмат қилади. Бироқ энди миллий иловалар яратиш орқали унинг функциялари кенгайиб, фуқароларга янги қулайлик яратмоқда.



Жумладан, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 26 мартдаги фармони асосан Ички ишлар вазирлиги томонидан "Smart маҳалла" мобил ахборот тизими яратилди.

"Smart маҳалла" мобил ахборот тизими орқали фуқароларга масофадан туриб электрон хизматлар кўрсатиш назарда тутилган, - дейди виллоят 3-сектор котиби Нурназар Тилавов. - Бунда Самарқанд ва Тошкент виллоятларининг сектор штаблари, маҳалла идоралари, ҳуқуқ-тартибот масканлари ва аҳоли демографияси ҳақидаги маълумотлар базалари шакллантирилган. Тизим Ички ишлар вазирлигининг соҳавий хизматлари, Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда Давлат кадастрлари палатасининг ахборот тизимлари билан интеграция қилинганлиги билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Шу боис, фойдаланувчи ўзи истиқомат қилувчи маҳалла кесимида тизимда рўйхатдан ўтганидан сўнг "Менинг маҳаллам" менюсида маҳалла раиси, маҳалла демография маълумотлари ва

менюсидаги хаволалар орқали давлат органларининг сайтларини юклаб, зарурий ахборотлар билан танишиш ва ушбу органларга ўрнатилган тартибда мурожаат йўллаш имконияти мавжуд. Умуман, жорий йил 1 июндан синов режимида ишлаётган мобил ахборот тизимида фуқароларга ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантиришга қаратилган 20 йўналишда аризалар билан мурожаат қилиш мумкин.

"Smart маҳалла" мобил иловаси аҳолига секторларга масофадан туриб мурожаат юбориш ва уни кўриб чиқиш жараёнини кузатиб бориш, маҳалла раислари, сектор раҳбарлари ва профилактика инспекторлари билан тезкор мулоқотни йўлга қўйиш, сектор раҳбарлари ва профилактика инспекторлари фаолиятига баҳо бериш каби имкониятлар билан бир қаторда, давлат идораларининг очиқ маълумотлар ресурсларида тезкорлик билан фойдаланишда қулайликлар яратди.

Иловадан фойдаланувчи "Худуд геохаритаси" менюсида содир

этилган йўл-транспорт ҳодисалари, маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар ҳақидаги маълумотларни ҳудудлар кесимида, давр оралигида кузатиш имконига эга бўлади. Тизимнинг "Қидирувдаги ва бедарак йўқолган шахслар" менюсида ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қидирув эълон қилинган ва бедарак йўқолган деб топилган шахслар ҳақидаги сўнгги маълумотлар акс этади.

"SOS" менюсида "101", "102", "103", "104", "1050", "1173" қисқа рақамларига шошилинч хабар йўллаш, шунингдек "102" тизими орқали мурожаат ижроси доирасида жалб этилган куч-воситаларнинг жойлашуви ва ҳодиса жойига қараб ҳаракатланишини реал вақт давомида кузатиб борса бўлади.

Қайд этиш лозимки, бугунги кунга қадар ички ишлар органларига мобил илова орқали мурожаат қилиш ва орган ходимлари фаолиятини баҳолаш, шу билан бир қаторда йўл-транспорт ҳодисалари, маъмурий ҳуқуқбузарликлар, жиноятлар, қидирувдаги ва бедарак йўқолган шахслар ҳақида реал вақт давомида маълумотга эга бўлиш имконияти бўлмаган.

Мобил иловада ота-оналар учун ҳам янги, ўзига хос хизмат тақдиф қилинмоқда. Жумладан, "Болини масофадан назорат қилиш" менюси орқали таълим муассасаларининг турникет, GPS-трекер ва кузатув камералари тизимларига уланиб, фарзандларини назорат қилиши мумкин.

Бир сўз билан айтганда, "Smart маҳалла" мобил иловаси фуқароларнинг тегишли давлат органларига мурожаат қилишларидаги жараёнларни максимал тарзда автоматлаштиришга қаратилган.

Дарвоқе, Самарқанд ва Тошкент виллоятларида синов тариқасида жорий этилган "Smart маҳалла" ахборот дастурининг бошланғич версияси жорий йил якунига қадар республиканинг барча ҳудудларида татбиқ этилади.

Ё.МАРҚАЕВ.

САМАРҚАНД 2021 ЙИЛ 6 ОЙДА:

Ялпи ҳудудий маҳсулот 19 320 миллиард сўм (ўсиш 4,9 фоиз), аҳоли жон бошига 4 875 минг сўмни ташкил этмоқда.

Ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида:

қишлоқ хўжалиги 37,8 фоиз (7 160 миллиард сўм);

хизматлар 37,5 фоиз (7 101 миллиард сўм);

саноат 16,4 фоиз (3 108 миллиард сўм);

қурилиш 8,2 фоиз (1 554 миллиард сўм);

соф солиқлар 2,1 фоиз (397 миллиард сўм).



7 753 та саноат корхонаси фаолият кўрсатмоқда.

26 та (158,4 гектар) кичик саноат зоналарида 143 та лойиҳа (775,7 миллиард сўм) жойлаштирилди. Шундан, 69 та лойиҳа ишга туширилиб, ушбу корхоналар томонидан 69,3 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

5152 та кичик тадбиркорлик субъекти ташкил этилди.

29 560 нафар меҳнатга лаёқатли ишсизлар бандлиги таъминланди;

6 817 нафар фуқаро касб-хунарга ва тадбиркорликка ўқитилди;

1 639 нафари тадбиркорлиكنи йўлга қўйди;

2 029 та тадбиркорнинг муаммолари ҳал этилди;

16 331 нафар жисмоний шахсга 330,2 миллиард сўм (15 819 та иш ўрни);

1 152 нафар юридик шахсга 116,3 миллиард сўм (6 127 та иш ўрни) кредит ажратилди.

O'zbekiston Respublikasi Davlat mustaqilligining 30 yilligi oldidan

O'tgan yili yangi tahrirdagi "Ta'lim to'g'risida"gi Qonunning qabul qilingani yurtimiz ta'lim tizimida muhim voqelik bo'ldi. Mazkur qonun manfaatdor va-zirlik va idoralarning vakillaridan iborat ishchi guruh tomonidan ikki yil mo-baynida ilg'or xorijiy tajribalarni o'rgan-gan holda, xalqaro tashkilotlarning ekspertlari ishtirokida ishlab chiqildi.

Islahotlar ta'lim sifati va pedagoglar mavqeyini oshirishga qaratilgan

Bu jarayonda ta'lim tizimi rivojlan-gan AQSH, Germani-ya, Fransiya, Buyuk Britaniya, Daniya, Norvegiya, Gollandi-ya, Shvetsiya, Itali-ya, Janubiy Koreya, Singapur, Rossiya kabi yigirmadan ortiq dav-latning ta'lim to'g'risi-dagi qonunchiligi o'rganildi. O'rganish davomida ayrim moddalar qaysidir davlatdan shunchaki ko'chirilmadi, balki ularning amaliyotda qanday ishlayot-ganiga e'tibor qaratildi.

Nodavlat ta'lim xizmatlari ko'rsatish sohasida faoliyat ko'rsatayotgan yuridik shaxslar uchun qulay shart-sha-roitlar, imkoniyatlar yaratish maqsadida 2018-yil mart oyida litsenziyalash tartibi soddalashtirildi. Mazkur sohadagi litsenziyalashning yangi tartibiga ko'ra litsen-ziya olish uchun zarur bo'lgan hujjatlar 10 tadan 5 taga kamaytirildi, litsenziya talablari va shartlari soddalashtiril-di, arizalarni ko'rib chiqish muddati 30 ish kunidan 15 ish kuniga tushirildi. Litsenziya da'vogarlariga yanada qulay bo'lishi uchun ularning arizalarini davlat idoralariga bor-masdan eng yaqin manzildagi davlat xizmatlari markazlari va Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali orqali yubo-rish va ko'rib chiqish tizimi joriy etildi hamda litsenziya cheklanmagan muddatga berilishi ta'minlandi.

Eng muhimi, Prezidentimiz farmoni bilan 2021-yil 1-yanvardan boshlab, maktabdan tashqari ta'lim, kadrlar malakasini oshirish va ularni qayta tayyorlash ta'lim turlari va chet tillarni o'rgatish bo'yicha o'quv kurslarini tashkil etishda xabardor qilish tartibining joriy etilishi bilan litsenziyalash tartibi bekor qilindi.

Respublikamiz hududida litsenziyalash tartibini sod-dalashtirish natijasida so'nggi 3 yilda nodavlat maktab-gacha ta'lim tashkilotlari 194 tadan 1871 taga, nodavlat umumiy o'rta ta'lim tashkilotlari 30 tadan 188 taga, nodavlat maktabdan tashqari ta'lim tashkilotlari 36 tadan 623 taga, nodavlat kadrlar malakasini oshirish va qayta tayyorlash ta'lim tashkilotlari 240 tadan 854 taga ortdi.

Xususan, viloyatimizda 2018-yilga qadar nodavlat umumiy o'rta ta'lim maktabi 6 ta, nodavlat maktabgacha ta'lim muassasasi 4 tani tashkil etgan bo'lsa, litsenzi-yalash tartibi soddalashtirish natijasida 17 ta nodavlat umumiy o'rta ta'lim maktabi, 145 ta nodavlat maktabga-cha ta'lim muassasasi faoliyati yo'lga qo'yildi.

Shu raqamlarning o'zi mazkur sohadagi islohotlar va amaliy chora-tadbirlarning yorqin ifodasidir.

Bundan tashqari, 2019-yil 24-iyuldan chet el oliy ta'lim muassasalari diplomlarini tan olish va nostrifikat-siya qilishning yangi, soddalashtirilgan tartibi joriy etildi. Xorijiy ta'lim to'g'risidagi hujjatlarni tan olishda talabgor-lar uchun faqat test sinovlari joriy etildi va suhbat aso-sidagi sinov bekor qilindi. Fuqarolarning ayrim toifalari uchun tan olish va nostrifikatsiya jarayonlari maxsus sinovlarsiz to'g'ridan to'g'ri amalga oshirilishi yo'lga qo'yildi. Natijada, so'nggi 3 yilda xorijiy diplomlarni tan olish 4964 tadan 22 ming 272 taga oshdi.

Davlatimiz rahbarining O'zbekiston va Rossiya o'rtasidagi o'zaro hamkorlikni yanada rivojlantirish yo'lida olib borgan tashqi siyosati natijasida 2019-yil 30-mayda O'zbekiston Respublikasi hukumati bilan Rossiya Federatsiyasi o'rtasida ta'lim, malaka va ilmiy darajalarni o'zaro tan olish to'g'risida bitim imzolandi. Bu esa O'zbekiston va Rossiya Federatsiyasida yashovchi fuqarolarning ta'lim ehtiyojlarini qondirish, ta'limni davom ettirish va mutaxassislik faoliyatini amalga oshirish uchun qulay shart-sharoit yaratib, bu ikki davlatda olingan ta'lim, malaka va ilmiy darajalarni to'g'ridan to'g'ri o'zaro tan olish imkoniyatini berdi.

Viloyatdagi o'qituvchilar malaka toifasini oshirish bo'yicha talabgorlar soni 2020-yilga nisbatan 2021-yilda 543 foizga (8765 nafardan 15 ming 334 nafar), oliy, bi-rinchi, ikkinchi toifalarga da'vogar o'qituvchilar 50 foizga (4100 nafardan 8142 nafarga) oshdi.

Natijada, oxirgi ikki yilda viloyatdagi oliy toifali o'qituv-chilar soni 1,9 foizdan 3,3 foizga, birinchi toifali o'qituv-chilar soni 8,4 foizdan 12,7 foizga oshishiga erishildi.

G'ayrat BOBOXOLOV,
ta'lim sifati nazorat qilish davlat inspeksiyasi viloyat hududiy bo'limi boshlig'i.

Yangi O'zbekiston maktab ostonasidan boshlanadi

Bundan 5-10 yil oldin siz u yashab turgan jamiyatda eng ko'p qaysi kasb egalari tahqirlangan, desa hech shubhasiz, ular o'qituvchilar — ziyolilar edi. Bu fikr bir qarashda juda bo'rttirilgandek tuyulishi mumkin, biroq ming afsuski, haqiqat ham shunday.

Negaki, qadr-qimmati azaldan ota-onaga tenglashtirilgan, balki undan ortiq sanalgan, bar-chamizning savodimizni peshlab, aql-hushimizni tanitgan ziyo ahli, ustozni ko'cha supurib, odamlarning ostonasigacha tozalashga majbur qilinganidan ortiq tahqir bormikan?!

Yillar davomida ilm olib, maqsadi-yu matla-bi ziyo tarqatish bo'lgan muallimni maktabdan keng dalaga, g'alla va paxtaga "hashar"ga chiqarishdan ham ortiq tahqir bormi?!

Mana shunday achchiq haqiqatlar mujassam bo'lgan yaqin o'timishni yodga olib, kechagi va bugungi o'qituvchining qadr-qimmatini qiyoslab, bu kunlarni hatto xayolimizga ham sig'dirish mushkul edi. Chunki o'qituvchi bir umr paxta dalasida qolib ketadigandek edi. Ko'chani, odamlarning ostonasini har doim o'qituvchi borib tozalashi kerakdek edi.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoevning siyosiy irodasi, adolatli islohotlari, xalq ta'limi sohasiga ko'rsatayotgan cheksiz e'tibor va g'amxo'rligi sohaning rivojiga, shu bilan birga, o'qituv-chining jamiyatda, mamlakatda qadr-qimmati, obro'-e'tiborining mustahkamlanib borishiga xizmat qilmoqda.

O'qituvchi nafaqat qishloq xo'jaligi tash-vishlaridan, balki mehnat faoliyatidagi turli byurokratik tazyiqlar, qog'o'zbozliklardan xalos etildi. O'qituvchi doimiy yuritib borishi uchun ish kunining asosiy qismini sarflaydigan 7 ta hujjat qisqartirilib, 1 ta sinf jurnalini to'dirish-gina qoldirildi.

O'ylik maoshlarning kamligi tufayli oilasi va ro'zg'ori tashvishini o'ylab, qancha-qancha ilmi, malaka va tajribali o'qituvchilarimiz o'z kas-bidan voz kechib ketishga majbur bo'lgani ham haqiqat. So'nggi uch-to'rt yil oraliq'ida o'qituv-

chilarimizni moddiy va ma'naviy rag'batlantirish ustuvor ahamiyat kasb etayotgani ularni yana sharafli kasbiga qaytardi.

Pedagoglarimizning oylik maoshi 2016-2021-yillar oraliq'ida qariyb uch barobarga oshdi. Ya'ni, 2016-yilda maktabning oliy toifali yuqori sinf o'qituvchisining oylik maoshi 1 million 87 ming so'mni tashkil qilgan bo'lsa, bugun oliy toifali o'qituvchining oylik maoshining o'zi, qo'shimcha ustama va boshqa to'lovlarisiz qariyb 3 million so'mni tashkil qilmoqda. O'qituvchining oilasidan, ro'zg'oridan ko'ngli xotirjam bo'lib, faoliyatiga ijodkorona yondashishiga, izlanishiga imkon yaratildi.

O'tgan o'ttiz yil oraliq'ida yurtimiz aholi-si bir necha barobar oshganiga qaramasdan keyingi 20-25 yilda Samarqandda birorta ham yangi maktab qurilmagani qamrovning yildan yilga ortib ketishiga olib kelgan. Bitta sinfxo-nadagi o'quvchilarning soni 40-45 nafargacha etgani ta'lim sifatiga salbiy ta'sir o'tkazmasdan qolmadi. Keyingi yillarda davlat byudjetidan maktablarimizning moddiy-texnika bazasini mus-tahkamlash, keng ko'lami bunyodkorlik ishlarini olib borish bo'yicha e'tirofga loyiq ishlar amalga oshirilmogda.

2020-yildan butun dunyoda hukm surgan pandemiya sharoitida qanchalik og'ir bo'lma-sin, maktab qurilishi va rekonstruksiya ishlari-ga milliardlab mablag'lar sarflandi. Jumladan, 2020-yilda Samarqand viloyatida 53 ta umum-ta'lim maktabida rekonstruksiya va mukammal ta'mirlash ishlari olib borildi.

E'tiborga molik jihati, Samarqand shahridagi Qorasuv massivida o'quvchi o'rning ko'pligi bo'yicha viloyatda yagona bo'lgan 1680 o'rinni zamonaviy maktab barpo etildi. Ushbu hududda



aholi sonining ko'payib borishi inobatga olinib, kelgusida yana shunday maktablar qurish ko'zda tutilgan.

2021-yilda bu boradagi ishlar ko'lami yanada kengaydi. Bugungi kunda respublika investitsiya, "Obod qishloq" va "Obod mahalla" davlat das-turlari hamda Prezidentimizning Samarqandga tashrii davomida bergan topshiriqlari asosida Sa-marqand viloyatida 97 ta maktabda rekonstruksiya va mukammal ta'mirlash ishlari olib borilmoqda. Jumladan, 2 ta yangi maktab qurilmogda.

Xalq ta'limi sohasini rivojlantirish umummilliy harakatga aylangan bugungi kunda uning sifati va mazmuniga ham jiddiy e'tibor qaratilmoq-da. Ayrim fanlarni chuqurlashtirib o'qitishga ixtisoslashgan maktablar soni ham yil sayin ortib borayotir. 2018-2019-o'quv yilida viloyati-mizda ixtisoslashgan maktablar soni 18 tani, 2019-2020-o'quv yilida 24 tani tashkil qilgan. Joriy yilga kelib ularning soni 60 taga etdi. Bu, o'z navbatida, maktablarda matematika, fizika, informatika va axborot texnologiyalari, biologi-ya, kimyo hamda xorijiy tillarni puxta o'qitishni tashkil etishga doir qabul qilingan O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmon va qarorlari

Yaqinda Prezidentimiz Shavkat Mirziyoev oliy ta'lim muassasalari vakillari bilan o'tkazgan videoselektor yig'ilishida oliygohlar oldida turgan asosiy 4 ta ustuvor vazifani belgilab berdi: oliygoh boshqaruv kengashi va kafedralar faoliyatini takomillashtirish, OTMning ish beruvchilar bilan integratsiyasini, ilmiy salohiyatni oshirish va moddiy texnik bazani mustahkamlash.

Bitiruvchi bandligi

Bu haqda u oliy o'quv yurtiga kirishidan avval o'ylashi zarur

Shuningdek, Vazirlar Mahkamasidagi ayrim vakolatlarning Oliy ta'lim vazirligiga o'tkazilishi yoki vazirlik vakolatlarining oliy ta'lim muassa-sasi kengashiga berilishi bular e'tirof etishga arzigulik yangiliklar. Ta'lim sifatini oshirishning muhim jihati moddiy-texnik baza, ilmiy-peda-gogik salohiyat va axborot kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish bilan belgilanadi.

O'tgan yillar davomida tizimda talabalarni o'qishga qabul qilish, o'qishni tiklash, rasman o'qituvchini ishga olish, tanlovlardagi ishtiroki yoki xorijiy OTMlar bilan hamkorlik masalasiga ruxsat olish uchun tegishli yuqori turuvchi tash-kilotlardan javob kutilardi. Ayni kunda oliy ta'lim muassasalariga taqdim etilayotgan vakolatlar ayrim tushunmovchilik va muddat kutishlarning oldini oladi. Endilikda kafedralar o'z yo'nalish-lari bo'yicha dunyoning istalgan yetakchi ta'lim muassasalari kafedralari bilan to'g'ridan to'g'ri aloqalarni hech kimning ishtiroki va ruxsatsiz amalga oshirishlari mumkin.

Bitiruvchilar bandligini ta'minlash har doim tizim oldidagi muhim masalalardan biri bo'lib kelgan. Ishlarning tizimli yo'lga qo'yilishi, ya'ni aniq bir mexanizm asosida olib borilishi biti-ruvchilar, OTM mutasaddilari, ish beruvchilar o'rtasidagi ayrim tushunmovchiliklarning ham oldini oladi. Bugungi globallashtirgan zamonda ilg'or tajribalar asosida bitiruvchilar bandligini ta'minlash borasida uch bosqichli tizim joriy etilmogda.

Birinchi bosqich – talabaning OTMga keladi-gan davrigacha bo'lgan payt. Bunda maktabning yuqori sinflaridayoq bitiruvchilar ertaga qaysi kasbni egallashi, qaysi oliygohga hujjat topshirishi-ni aniq bilishi kerak. Yoshlarning qiziqishi, iqtidori, salohiyati bo'yicha o'sha hududlarning prognoz ko'rsatkichlari, qaysi mutaxassislar, kasblar, sohalar va yo'nalishlarga talab va ehtiyoj bortligi, o'sha yo'nalishlarda OTMga kirish uchun imtiyozli, maqsadli kvotalar ajratilganligi monitoring qilib boriladi. Misol uchun, bugun qaysi hududlarga veterinariya va chorvachilik sohasi bo'yicha qan-day mutaxassislarga talab va ehtiyoj bor, o'sha hududga kvota ajratilishiga imkoniyatlar yaratilgan. Deylik, Buxoro viloyatining Qorako'li tumani, And-i-jon viloyatining Marhamat tumani yoki Qoraqal-pog'iston Respublikasining Nukus shahri uchun imtiyozli va maqsadli qabul parametrlari mavjud.



Kvotalar berilishi shu kungacha umumiy xarakterga ega edi. Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, shuningdek veterinariya va chorvachilik-ni rivojlantirish davlat qo'mitasiga shu bo'yicha takliflar kiritdik.

Ikkinchi bosqich – talabalarning ta'lim olayotgan davri. Bunda talaba o'qishning bir-inchi olti oyiligidan boshlab ish beruvchi bilan birkiriladi. 1- va 2-kurslarda talaba va ishlab chiqaruvchi korxona yoki tashkilot o'rtasida munosabat tiklanadi. 3-kursda OTM tomonidan bu jarayon buyruq bilan rasmiylashtiriladi. Bu jarayonda talaba bitirgach, uning bandligi yuz foiz ta'minlanishi mumkin.

Uchinchi bosqich esa, talaba o'qishni bitir-gandan keyingi davrni o'z ichiga oladi. Hududlar o'rganilib, bitiruvchi o'zi yashab turgan manzili bo'yicha ishga yuboriladi. Oliy ta'lim muassasasi shu asosda o'zining bitiruvchilari monitoringini yuritadi. Keyingi 3-5 yil davomida yoshlar o'z mutaxassisliklari bo'yicha qayerda ishladi? Ish beruvchi tashkilot yosh mutaxassisga qanday munosabatda bo'ldi? Tayyorlagan mutaxassisi-miz ishlab keta oldimi, bilim va malakasi yetarli bo'ldimi, qanday muammolarga uchradi va hokazo savollar o'rganilib, tahlil etib boriladi. Biz mana shu monitoringni yuritish orqali OTMda yana qanday mutaxassisliklarga talab borligi, qaysi yo'nalishlarni ochish va rivojlantirish ke-rakligini aniqlab, rejalarimizni belgilab olamiz.

Abduq'ani ELMURODOV,
Samarqand veterinariya meditsinasi instituti o'quv ishlari bo'yicha prorektori.

Tumanlarda ixtisoslashtirilgan maktablar tashkil etiladi

Samarqand shahrida Mirzo Ulug'bek nomidagi matematika va fizika fanlariga ixtiso-lashtirilgan davlat umumta'lim maktab-internati Mirzo Ulug'bek nomidagi matematika va fizika fanlarini chuqurlashtirib o'qitishga ixtisoslashtirilgan tayanch maktab-internatiga o'zgartirildi. Bu viloyat hokimining 2021-yil 26-iyundagi qarori bilan belgilandi.

Shuningdek, ushbu qarorga ko'ra, Bulung'ur tumanidagi 1-, To'yloq tumanidagi 57-, Oqdaryo tumanidagi 20-, Qo'shrabot tumanidagi 90-, Samarqand shahridagi 2-, Kat-taqo'rg'on shahridagi 14-umumta'lim maktablari negizida 2021-yil 1-sentyabrdan boshlab matematika va fizika fanlarini chuqurlashtirib o'qitishga ixtisoslashtirilgan maktablar tashkil etiladi.

Bundan tashqari, Paxtachi tumanidagi sobiq avtomobil yo'llari kasb-hunar kolleji negizida matematika va fizika fanlarini chuqurlashtirib o'qitishga ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim maktab-internati tashkil etiladi.

Bu ta'lim dargohlari matematika va fizika fanlari bo'yicha iqtidorli o'quvchilarni tanlab, ularga ushbu fanlardan zamon talablari darajasida chuqurlashtirilgan bilim berib, oliy ta'lim tizimi uchun yuqori intellektual salohiyatli yoshlarni tayyorlaydi. Shuningdek, maktab internat-lariga yuqori kasb mahoratiga ega bo'lgan mahalliy va xorijlik tajribali o'qituvchilar jalb etiladi. 2021-2022-o'quv yilidan boshlab ixtisoslashtirilgan sinflarga o'quvchilar qabul qilinadi.

Xurshida ERNAZAROVA.

1-sinfga qabul elektron platforma orqali

2021-2022-o'quv yilida Samarqand viloyati xalq ta'limi boshqarmasi tasarrufidagi umumta'lim muassasalari 1-sinfga 78 ming 64 nafar o'quvchi qabul qilinishi rejalashtirilgan.

2021-yilning 15-iyun kunidan boshlangan qabul jarayonlari 2020-yil 23-sentyabrdagi O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risi-da"gi Qonuni, Xalq ta'limi vazirligi tomonidan belgilangan talablar bo'yicha tashkil etilmogda.

Fuqarolarga qulaylik yaratish va tizimda raqamli texnologiyalardan unumli foydalanish maqsadida ilk bor bolalarni 1-sinfga qabul qilish bo'yicha my.maktab.uz elektron platfor-masidan foydalanilmogda.

Tajriba tariqasida Toshkent shahri, Qoraqalpog'iston Respublikasi hamda viloyat markazlaridagi shaharlarda, jumladan, Sa-marqand shahrida umumta'lim maktablarining 1-sinfga qabul jarayonlari mazkur elektron platforma orqali amalga oshirilmogda.

Buning uchun, ota-onalar yashash manzili bo'yicha birkitirilgan mikrohududdagi maktabga farzandlarini joylashtirish uchun my.maktab.uz sayti orqali ro'yxatdan o'tishlari belgilandi. Elektron ro'yxatdan o'tish uzay-tirildi.

Samarqand shahrida ilk bor tashkil etilayot-gan ushbu jarayonda ota-onalar my.maktab.uz elektron platforma orqali hujjat topshirmoqchi bo'lganda mahallasi yoki ko'chasing nomi

ijrosi izchil ta'minlanayotganidan dalolatidir. Xalq ta'limi sohasidagi yana bir muhim islohotlardan biri iqtidorli, bilimi va odob-axloqi bilan tengdoshlariga namuna bo'lgan maktab bitiruvchilarga oltin va kumush medallar berili-shining joriy etilganligi bo'ldi.

O'g'il-qizlarimizning orzu-umidlarga qanot bag'ishlovchi bunday tashabbus o'quvchi-lar o'rtasida sog'lom raqobatni shakllantirib, intellektual salohiyatli kadrlar tayyorlash tizimida muhim qadamlardan biri bo'ldi. Buni Samarqand viloyati maktablarini oltin va kumush medallar bi-lan bitirayotgan o'quvchilar sonining yildan yilga ortib borayotganida ham ko'rish mumkin.

Ya'ni, 2018-2019-o'quv yilida 141 nafar, 2019-2020-o'quv yilida 415 nafar bitiruvchi oltin va kumush medallar bilan taqdirlangan bo'lsa, yakuniga etgan 2020-2021-o'quv yilida ular-ni soni 645 nafarga (571 dona oltin, 74 dona kumush) etdi.

Xorijiy va respublikamizdagi nufuzli oliy ta'lim muassasalariga imtiyozli ravishda o'qishga qabul qilish bo'yicha tashkil qilinayotgan tanlovlar natijasida maktab bitiruvchilarimiz orasida muddatidan oldin talaba bo'lganlar soni ham ortayotgani quvonarli. 2019-2020-o'quv yilida bu ko'rsatkich 23 nafarni tashkil qilgan bo'lsa, joriy o'quv yilida 148 nafar bitiruvchi mamlakatimiz hamda jahonning eng nufuzli universitetlari talabasi bo'ldi.

Islohotlarning mahsuli — sohadagi eri-shilayotgan yuksak natijalar haqida ko'p gapirishimiz mumkin. Ammo bu tizimning muammolardan xoli bo'ldi, degani emas. Xalq ta'limi sohasini yanada rivojlantirishda nafaqat o'qituvchining va ta'lim tashkilotla-rining zimmasida bo'lgan, balki butun xalq, jamiyat zimmasida bo'lgan vazifalarimiz juda ko'p. Tizimda jamoatchilik nazoratini o'rnatish, ota-onalar hamda ziyolilarimizning mas'uliyati-ni, daxldorligini oshirish, mavjud muammolarni birdamlikda, hamfirklikda hal etishga kamar-basta bo'lishimiz lozim. Zero, ta'limning rav-naq topishi baxtli kelajagimiz, ona Vatanimiz taraqqiyotining kafolatidir. Davlatimiz rahbari ta'kidlaganlaridek, Yangi O'zbekiston maktab ostonasidan boshlanadi.



Zebinislo SHODIYEVA,
viloyat xalq ta'limi boshqarmasi boshlig'i.

Бутун ҳаётини мактаб билан
боғлаб, халқ таълими тизи-
мида самарали меҳнат қилган
моҳир педагог, тажрибали
рахбар, самимий ва дилкаш
инсон Акбар Сувонов ўзидан
яхши ном қолдирди.

Акбар Сувонов 1961 йилда Ургут тумани Тароқли маҳалласида зиёли-лар оиласида дунёга келди. Мактабни аъло баҳоларга тамомлагач, отаси каби ўқитувчи бўлиш орзусида Самарқанд давлат педагогика институтининг умумтехника ва меҳнат факультетига ўқишга кирди. 1983 йилда институт-

Устозни эслаб

ни имтиёзли диплом билан титириб, фаолиятини тумандаги 39-умумий ўрта таълим мактабида бошлади. Кўп ўтмай жамоада ҳурмат-эътиборга сазовор бўлди. Одамлар билан тез тил топишиб кетиши, киришимли бўлгани учун кей-инроқ мактабда амалиётчи психолог вазифасида фаолият юритди. А.Суво-нов ишга масъулият билан ёндашиши ва талабчанлиги сабаб 2002 йилда мактаб директорининг маънавий-маъ-рифий ишлар бўйича ўринбосари этиб тайинланди.

Мактабда ишни тўғри ва аниқ белгиланган режа асосида юритди, тўғараклар фаолиятини йўлга қўйди. Ҳақиқий ўқитувчида қандай фазилат-лар бўлиши лозим бўлса, уларнинг барчаси устоз А.Сувоновда мужассам эди. Шу сабабли устоз 2007 йилда ушбу мактабга директор этиб тайин-ланди.

2008 йилда 39-мактаб “Йилнинг энг яхши мактаби” кўрик-танлови ту-ман босқичи ғолиби бўлди ва вилоят босқичида ҳам фахрли ўринга лойиқ



топилди. Мазкур таълим даргоҳи бир неча йил туманда намунали мактаб-

лар сафидан ўрин олиб келди.

- Сени кимдир устоз атаса, бил-гилки, улугликка қадам қўйибсан. Шунга муносиб бўлишни унутма, ки-зим, дея насиҳат қиларди отам, - деб хотирлайди қизи Нилуфар. – Устоз кўрган шогирд келажакда издошлар тайёрлашни ҳам унутмаслиги керак. Шундагина устоз бошлаган мактаб ривожланади.

А.Сувонов оилада ҳам муносиб ота бўлиб, турмуш ўртоғи Шоҳиша Қип-чокова билан тўрт нафар фарзандни тарбиялади. Уларнинг оиласи маҳал-лада намунали оила сифатида тилга олинади.

Устозлик саодати маънавияти ва

маърифати юксак инсонларгагина насиб қилади. Сабаби, унинг мақсади хамиша эзгулик билан йўрилган бўла-ди. Ҳақиқий устоз соҳили йўқ уммон-га ўхшайди. Ундан чексиз ҳазина ва бойликларни топиш мумкин. А.Сувонов ҳақиқий фидойи устоз эди, олтмиш йиллик умри давомида шогирдларига меҳр-мухаббат, таълим-тарбия билан бирга Ватанга фидойиликни ўргатди. Устознинг порлоқ хотираси доим қал-бимизда яшайди.

Ўқтам ТУГАЛОВ,
Ургут туманидаги 61-умумий ўрта таълим мактаби директори ўринбосари.

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 майдаги 266-сонли қарорига асосан “Е-IJRO AUKSION” электрон савдо майдончаси орқали сотилиши белгиланган давлат мулки объектлари бўйича

САВДОЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Т/р	Объект номи	Балансда сақловчи ташкилот номи	Жойлашган манзили	Бошланғич нархи (сўм)	Умумий ер майдо-ни (га.)	Қурилиш ости майдо-ни, (кв.м.)	Савдо санаси	Ариза бериш-нинг охирги мuddати
1	“Пахтачи тумангаз” филиали Султонобод участкаси биноси	Бўш турган объектлардан самарали фойда-ланишни ташкил этиш маркази Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси	Пахтачи тумани Мирза Олим МФЙ	248 368 180,0	0,11	201,5	09.08.2021 й.	07.08.2021 й.
2	Автомобилларга суюлтирил-ган газ қуйиш шохобчаси		Нарпай тумани Тошкўприк МФЙ	373 241 330,0	0,24	97,8	09.08.2021 й.	07.08.2021 й.
3	“Нуробод тумангаз” эски биноси		Нуробод тумани Машъал МФЙ	1 029 968 900,0	1,78	690,1	09.08.2021 й.	07.08.2021 й.
4	Чорва фермаси		Каттакўрғон тума-ни Кумушкент МФЙ	288 655 000,0	0,14	308,1	09.08.2021 й.	07.08.2021 й.
5	“Ал-Бухорий” АТС		Пайариқ тумани Хўжа Исмоил МФЙ	165 000 000,0	0,01	102,17	09.08.2021 й.	07.08.2021 й.
6	“Қирқшоди” АТС биноси		Булунғур тумани Қирқшоди МФЙ	55 342 020,0	0,003	38,8	09.08.2021 й.	07.08.2021 й.

Аукционда қатнашиш тартиби тўғрисида: Ушбу объектларни “Е-IJRO AUKSION” ягона элек-трон савдо майдончаси орқали сотиб олиш Давлат активларини бошқариш агентлиги қошидаги “Элек-трон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази” ДУКнинг “e-auksion.uz” сайт майдончасида ўтқа-зилиши режалаштирилган. Савдоларда қатнашиш истагида бўлган жисмоний ва юридик шахслар хатлов ва баҳолаш ишлари якунлангандан кейин “e-auksion.uz” сайтида қойдалар билан танишган ҳолда рўйхатдан ўтиб, савдо жараёнларида қатна-шишлари мумкин.

Рўйхатдан ўтган жисмоний шахслар давлат хиз-матлари маркази ёки мажбурий ижро бюросидан электрон рақамли имзо сертификатларини олиши мумкин, юридик шахслар эса мажбурий ижро бю-росидан бериладиган электрон рақамли имзо сер-тификатларини олишлари талаб этилади.

Аукционда қатнашиш учун ариза бериш: Рўйхатдан ўтган ва электрон рақамли имзога эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар “e-auksion.uz” сайтида яратилган “Шахсий кабинет”лари орқали кириб ўтказиладиган аукционлар рўйхатидан ўзига керакли объектни танлаши ва у ҳақида тегишли маълумотга эга бўлишлари мумкин. Аукцион савдо-сига қўйилган ҳар бир мол-мулкка тизим ўзига хос такорланмайдиган ЛОТ рақами беради.

Аукцион савдосида қатнашмоқчи бўлган жисмо-ний ва юридик шахслар бино ҳақидаги маълумотлар-га эга бўлиб, шу ерда кўрсатилган банк реквизицтла-рига кўрсатилган закалат маблағини тўлаган (тўлов ҳужжатида аукциондаги ЛОТ рақами кўрсатилиши керак) ҳолда аукцион савдосида қатнашиш учун

электрон тарзда ариза беришлари лозим.

Электрон тарзда ариза бериш жараёнида ишти-рокчи томонидан электрон рақамли имзо билан им-золаган ҳолда ариза юборилади. Ариза электрон тарзда юборилгач, иштирокчининг “Шахсий каби-нети”га ариза қабул қилинганлиги ёки қайтарил-ганлиги тўғрисида жавоб хабари келади. Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза бериш сайтда кўр-сатилган мuddатда тўхтатилади.

Аукцион жараёни:

Иштирокчилар томонидан савдода қатнашиш учун ариза берилгандан сўнг, савдо бошланадиган кунда (вақтда) иштирокчилар “e-auksion.uz” сайтида махсус логин ва паролларини терган ҳолда “Шахсий кабинет”га кирилади ва “Кабинет”га ўтилгандан сўнг “Менинг аукционларим” бўлимидан қатнашмоқчи бўлган аукцион танланади.

Шунда дастур томонидан “Иштирок этишни тас-диқлаш” сўралади, иштирок этиш тасдиқланган-дан сўнг савдо жараёнида иштирок этиш мумкин бўлади (аукцион савдо ўтказиш кuni соат 9:00 да бошланади).

Аукционда қатнашувчиларга дастур томонидан алоҳида тартиб рақам берилади.

Аукционнинг бошланиши иштирокчилардан ЛОТ-ни бошланғич нархдан битта қадамга оширилган нархда сотиб олиш бўйича таклифни тасдиқлашни сўрашдан бошланади. Агар, таклиф берилгандан кейин 10 дақиқа давомида аукцион иштирокчила-рдан бири белгиланган қадамга оширилган ЛОТ нархини тасдиқласа, кейинги таклифни тасдиқлаш учун вақт яна 10 дақиқага узайтирилади.

Агар, тасдиқланган охирги таклифдан сўнг 10

дақиқа давомида кейинги оширилган ЛОТ нархи бў-йича таклиф аукцион иштирокчиларининг бирортаси томонидан тасдиқланмаса, савдо аукцион натижалари ҳақидаги баённомани автоматик тарзда шакллантир-ган ҳолда якунланади. ЛОТ нархи бўйича таклифни охирги тасдиқлаган иштирокчи аукцион ғолиби деб топилади. Шундан сўнг иштирокчига ғолиблик баён-номаси топширилади ёки иштирокчи билан келишган ҳолда почта жўнатмаси орқали юборилади.

Савдолар натижалари бўйича ғолиблик баён-номаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармасига тақдим этилган санадан бошлаб 10 кундан кечикмай ол-ди-сотди шартномаси тузилади.

Аукционда иштирок этгандан сўнг ғолиб бўлма-ган иштирокчиларга закалат пулларини қайтариш иштирокчиларнинг электрон тарзда берган ариза-ларига асосан кўрсатилган ҳисоб рақамга қайтариб берилади ёки кейинги савдоларда қатнашиш учун ўтказилиши мумкин.

Қўшимча маълумот олиш учун манзил:

Самарқанд шахри Камол Отатурк кўчаси, 21-уй. Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси, давлат активларини сотишга тайёрлаш ва сотиш ишларини мувофиқлаштириш бўлими.

Маълумот учун телефонлар:

66-233-73-54, 91-537-32-12

Факс: 66-233-73-54

“Facebook”даги расмий саҳифа: Sam Dav Aktiv

Веб-саҳифа: privatization.davaktiv.uz

Интернет тармоғидаги веб-сайт:

samarqand@davaktiv.uz

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Булунғур туманидаги “O’ROLBOY DIYORBEK TURAQULOV UZUMZORI” фермер хўжалигининг (СТІР: 206542922) думалоқ муҳри ва бур-чак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут ижтимоий иқтисодиёт коллежидан 2020 йилда Олимова Сетора Самандар қизи номига бе-рилган рўйхат рақами 304, К № 5901551 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут тиббиёт коллежидан 2018 йилда Хасанова Гулноҳон Фарход қизи номига берилган рўйхат рақа-ми 50, К № 5358912 рақамли дип-лом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут тиббиёт коллежидан 2020 йилда Содиқов Анвар Ихтиёр ўғли номига берилган рўйхат рақами 300, К № 5893417 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги са-бабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 54-умумий ўрта таълим мактабидан 2017 йилда Содиқов Анвар Ихтиёр ўғли номига берилган У № 7924805 рақамли умумий ўрта таълим тўғри-сидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайариқ қишлоқ хўжалик касб-ху-нар коллежидан 2012 йилда Балик-баева (хозирда Хасанова) Айгул Ба-зарбой қизи номига берилган рўйхат рақами 292, К № 2525042 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолган-лиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат университети-дан 2010 йилда Рузиева Хабиба Эсан-муратовна номига берилган рўйхат рақами 2234, В № 042039 рақамли имтиёзли дипломнинг иловаси йўқол-ганлиги сабабли бекор қилинади.

Ж о м б о й т у м а н и д а г и «MOYLICHUQUUR DALASI» ғал-ла-сабзавотчиликка ихтисослаш-ган фермер хўжалигининг (СТІР: 303261852) думалоқ муҳри ва бур-чак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 39-ўрта мактабдан 1999 йилда Мамедова (хозирда Мухторова) Угуллой Ра-жабовна номига берилган О’Р-З № 163264 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолган-лиги сабабли бекор қилинади.

Пайариқ туманидаги 75-умумий ўрта таълим мактабидан 2008 йил-да Хамидова Дурдона Ибадуллаев-на номига берилган У № 3118063 рақамли умумий ўрта таълим тўғри-сидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси тасарруфидagi 62-сон-ли имконияти чекланган болалар мактаб-интернатидан 2004 йилда Насриев Рустамжон Нажмидинович номига берилган № 009120 рақамли сертификат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 62-умумий ўрта таълим мактабидан 2005 йил-да Нурматов Фахриддин Уринбо-евич номига берилган О`Р-SH № 0256034 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқол-ганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 29-уму-ий ўрта таълим мактабидан 2008 йилда Ахмедова Шахноза Русланов-на номига берилган У № 3087006 рақамли умумий ўрта таълим тўғри-сидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайариқ туманидаги 10-уму-ий ўрта таълим мактабидан 2009 йилда Равшанова Гулнора Кайта-ровна номига берилган О`Р-SH № 0966811 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқол-ганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги Боғиша-мол саноат касб-хунар коллежидан 2018 йилда Холикова Муниса Бек-назар қизи номига берилган рўйхат рақами 18, К № 0326133 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқол-ганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд туманидаги 1-ўрта мактабдан 1999 йилда Мустафаева Мастура Султонмуродовна номига берилган О’Р-З № 160268 рақамли

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

“Жомбой кўчатчилик томорқа хизмати” масъулияти чекланган жамияти Самарқанд вилояти Иштихон тумани “Бўстон нури келажаги” агрофирмиси ҳудудидан Иштихон тумани ҳокимининг қарорига асосан ажра-тилган 218,27 га. ер майдонда ҳудуднинг тупроқ-иқлим ва бошқа шaroитларни ҳисобга олган ҳолда, агротехника қоидаларига кўра ер майдонини шудгор қилиш бўйича ихтисос-лаштирилган корхоналар ўртасида танлов эълон қилади.
Ишни бажариш мuddати: 20 кун;
Молиялаштириш манбаси: ўз маблағлари;
Танлов комиссияси ишчи органи манзи-ли: Самарқанд вилояти Жомбой тумани, Назар маҳалласи;
Мурожаат учун: Ф.Кенжаев. Телефон: +99893-356-38-44;
Таклифларни тақдим қилиш мuddатининг охирги санаси ва вақти: 2021 йил 28 июль, соат 17:00.
Танлов таклифларини расмийлаштириш бўйича талаблар:
- танлов иштирокчиси биттадан танлов такли-фини тақдим қилиши мумкин;
- тижорат таклифи ёпиқ конвертда, елимланган жойларини муҳрлаган ҳолда тақдим қилиниши шарт;
- танлов таклифлари қабул қилинадиган манзил: Самарқанд вилояти, Жомбой тумани Назар маҳал-ласи. “Жомбой кўчатчилик томорқа хизмати” МЧЖ.

Иштихон туманидаги 89-уму-ий ўрта таълим мактабидан 2011 йилда Равшанов Бобур Маликович номига берилган У № 4847435 рақамли умумий ўрта таълим тўғри-сидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Нарпай туманидаги 57-ўрта мак-табдан 1991 йилда Турганов Эргаш Абсаламович номига берилган А № 373796 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолган-лиги сабабли бекор қилинади.

Иштихон туманидаги 21-ўрта мактабдан 1997 йилда Нозимов (хозирда Ахматов) Бекзоджон Ах-матович номига берилган О`Р-А № 145833 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқол-ганлиги сабабли бекор қилинади.

Оқдарё туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабидан 2006 йил-да Бабамуродов Сухроб Мамадоли-

лик фаолияти тўғрисидаги ҳисобот;
2. 2021 йил молиявий хўжалик “Бизнес-дастури”ни тасдиқлаш;
3. Бошқа масалалар.

Манзил: Пайариқ тумани Челек шахарчаси, Истиклол кўчаси, 132-уй. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ.



ҚУТЛАЙМИЗ!

Ҳурматли Манзура Ашурова туғилган кунингиз, 60 ёшингиз билан табриклаймиз!

М.Ашурова 1990 йилдан Самарқанд вилоят адвокaтлар хайъaти адвокaти, 2009 йилдан ҳозир-га қадар Самарқанд шахар “SAMARQAND QONUN USTUVORLIGI” адвокaтлар хайъaти адвокaти сифa-тида самарали фаолият юритиб келмоқда. Фуқa-ролар ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилишдаги ишларингизда омад тилайини!

Азиз ҳамкасб! Сизга узоқ умр, сифaт-саломaт-лик, оилавий бахт тилаймиз, барча орзу-ниятла-рингизга етишиб юринг.

Самарқанд шахар “SAMARQAND QONUN USTUVORLIGI” адвокaтлар хайъaти жамоаси.

ТАЪСИСЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Пайариқ туманидаги «CHELAK SAVDO SERVIS» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиларининг 2019-2020 йилги фа-олияти тўғрисидаги умумий йиғилиши 2021 йил 26 июль кuni соат 10:00 да жамият маъмурий биносида бўлиб ўтади.
КУН ТАРТИБИДА:
1. 2019-2020 йил молиявий хўжа-

лик фаолияти тўғрисидаги ҳисобот;
2. 2021 йил молиявий хўжалик “Бизнес-дастури”ни тасдиқлаш;
3. Бошқа масалалар.

Манзил: Пайариқ тумани Челек шахарчаси, Истиклол кўчаси, 132-уй. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

ШЕРОЗ ҚАЛЪА ҚАЙТА ТИКЛАНАДИ

Қуръони Каримни етти қироат-да ўқиган етти алломадан бири Хўжа Ҳофиз Меросийнинг мак-бара ва масжиди Булунғурнинг Митан қишлоғида жойлашган.

Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган тарихий манбаларга кўра, Хўжа Ҳофиз Меросий 1475 йилда Булунғур тумани худуида-ги Болғали қишлоғида таваллуд топган. Мадрасаларда таҳсил олган. 1528 йилда Эроннинг Машҳад шаҳрида вафот эта-ди. Васиятига кўра ўлимидан 6 ойдан кейин Султон Убайдуллахон фармони-га кўра ҳоки Булунғур туманига олиб келинади.

- Ҳофиз Меросий қолдирган қатта мерос ва қўлёзмалари ҳозирда Ўзбе-кистон ФА Шарқшунослик институти-да сақланмоқда, - дейди Хўжа Ҳофиз Меросий зиёратгоҳи ва Шероз қалъа мажмуаси раҳбари Нарзулла Қорабо-ев. - Биз институт олимлари билан ҳамкорликда Хўжа Ҳофиз Меросийнинг ҳақиқий васиятомасини Покистон-дан келтирдик. Унинг қаламига ман-суб бўлган, ҳали тўлиқ ўрганилмаган девонлари ва шеърйи асарлари тар-жимага муҳтож. Султон Убайдуллахон томонидан унинг ҳоки қишлоққа олиб келинган, бу жой муқаддас зиёратгоҳ-га айланди. 2001 йилда ҳашар билан макбара ва масжид қурилди. 2010 йил 20 августда Хўжа Ҳофиз Меросий номи билан боғлиқ тарихий жой маданий ме-

рос объекларининг "Диккатга сазовор жойлар" тоифасига олинди.

Қир-адирликлардан иборат бу масканда ободонлаштириш ишлари бошланган. 2019 йилда 5,5 километр асосий йўллар таъмирланган ҳамда 6,5 километр сув ва электр тармоғи тор-тилган. Лойиҳага кўра, 2022 йилгача 3,5 гектар майдонда масжид ва мак-бара қад ростлайди. Шу билан бирга аёллар ва эркаклар учун алоҳида дам олиш маскани қуриш режалаштирилган. Сабаби, зиёратгоҳга кираверишингиз-да тупроқ бор. Неча йиллардан буён аҳоли ёзда келиб ундан шифо топган. Ушбу тупроқ таркиби текширилганда инсон организм учун фойдали 28 хил элемент борлиги аниқланди. Шунинг учун бу ерда дам олиш маскани қуриш лойиҳа тақлифи киритилган.

АМИР ТЕМУРНИНГ МУДОФАА ҚАЛЪАСИ ҚАЙТА ТИКЛАНАДИ

Хўжа Ҳофиз Меросий қадамжоси-дан Шероз қалъага ўтилади. Бу ердаги Болғали қишлоғида туман этногра-фияси, маданияти, турмуш тарзини ўзида намоён этган уй-мехмонхоналар, ошхона, хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилади.

Шероз қалъа ўзининг тарихийли-ги билан ҳам фахрланмиша арзирли маскан. Соҳибқирон Амир Темур ҳарбий юришлари давомида Эронни қамал қи-либ, у ердаги Шероз қалъасини олишда қийналган. Шу сабаб Самарқандга киришда, ҳар томонлама қулай бўл-

ган бу масканда 1396-1402 йилларда мустаҳкам қалъа бунёд этади. Бу жой Соҳибқирон томонидан бежиз танлан-маганди. Қалъани 20 метр чуқурликдаги Булунғор, яъни лойқа ариқ ўраб туради. Ариқнинг эни 18-20 метр, тик ҳолатда бўлганлиги учун душман қира олмаган. Атрофида 9 та булоқ бўлиб, бугунги кунда уларнинг 3 таси сақланиб қолган.

- Қалъанинг умумий майдони 6-7 гектардан иборат бўлиб, туман ҳокими қарори билан лойиҳа бўйича 4 гектар майдон ажратилди, - дейди Нарзулла Қорабоев. - Атрофи Булунғур ариғи билан ўралган бу тепалиқда Амир Темурнинг қароргоҳи, ҳарбийлар учун ошхона ва кўплаб хоналар бўлган. 1968 йилда руслар томонидан қўмиб юборилган. Шу билан бу ер эътибор-дан четда қолган. Самарқанд архео-логия институти олимлари томонидан 2015-2019 йилларда олиб борилган қазишма ишлари давомида темурий-ларга оид кўплаб ашёлар, олтин, мис тангалар топилди. Ҳали бу ерда ўрганилмаган, биз билмаган кўплаб тарихий ашёлар ва сирлар бор. Ҳозир-да бизга ажратилган 8 миллиард 285 миллион сўм маблағ эвазига бу ер 2 метрлик девор билан ўралиб, музей, темурийлар давридаги хос хоналар бунёд этилади. Шаршар булоғи ёнидан темурийлар даври муҳитини ўзида муҳассамлаштирган кўприкнинг бунёд этилиши, мавжуд ёрларнинг очилиши сайёҳларни бир дам темурийлар сал-танатига саёҳатга қорлайди.



Шероз қалъасини бунёд қилиш лойиҳаси ўзига хос. Бу ерда тарихи-миз, халқимизнинг турмуш тарзи, урчуқ йигираётган, гилам тўқиётган момола-римиз, қувада ёр олаётган қишлоқ аёли киёфасини кўрасиз. Шу билан бирга ар-хеология институти билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган лойиҳада темурийлар давридаги муҳит, уларнинг қуч-салоҳи-яти ҳам намоён бўлади.

ФОЗИЛ ЙЎЛДОШ ЎГЛИНИНГ ИЗДОШЛАРИ БОР

Фозил Йўлдош ўғли уй-музейи 1986 йилда бахшнинг дostonларини қoғoзга кўчирган, у кишининг доим ёнларида бўлган Мелибой Раҳимов томонидан ташкил этилган. Бу ерда 200 дан ортиқ ашёлар сақланади. Уларнинг ярми Фо-зил Йўлдош ўғлига тегишли.

- Онам доим тоқчада йиғилган 20 га яқин китобни кўз қорачигидек асраб-авайларди, - дейди бахшнинг невараси Лола Султонова. - Сабабини қатта бўлиб билдим. Бу Фозил Йўлдош бoбoм томонидан айтилган ва ёзиб олинган дostonлар экан. Онам ўқитувчи бўлган-лари учун қўлёзмаларни ўзлари ёзган. Бoбoм терма айтишни бошлаганда 2-3 соатлаб тинмай ёзгани учун қўллари қавариб кетганини айтарди.

"Алпомиш" дostonини тўлиқ ёд олиб айтган бахшилардан бири бўлган Фозил Йўлдош ўғлининг уй-музейи бугун мактаб ўқувчилари, бахшилар билан гавжум. Музейда бахшнинг дўмбисаи, чакмони, телпаги, сандиғи ва маҳаллий аҳоли томонидан фойда-ланган ўша давр уй-рўзгор жиҳозлари мавжуд.

- Туманимизда 82 та маданий ме-рос объекти бўлиб, уларнинг барчаси 2018 йил нашрдан чиққан "Ўзбекис-тон археологик ёдгорликлари ката-логи" китобига киритилди, - дейди туман ҳокими. - Шу билан бирга яна топилаётган тарихий объектларимиз бор. Масалан, Етимсой дарасидаги қoятoшлардаги ёзувлар. Туманимиз-даги зиёратгоҳ жойларни, тарихий объектларни қайта тиклаш орқали аждодларимиздан қолган бой ме-росимизни нафақат чет эллик, балки маҳаллий сайёҳларга ҳам намоиш этиамиз. Шу билан бирга 200 дан ор-тиқ янги иш ўрни яратамиз.

Насиба ЖОНТЎРАЕВА.

У кишининг юришлари ҳарбийча. Худди жанго-вар сафда бораётган аскар дейсиз: эгнида му-доим қоржом, гуё ҳозиргина ювилиб, дазмолдан чиққандай. Зобитча хром этикларини айтмасизми, «ғарч-ғурч» қилади, доим мойланган, ялтилла-йди. Байрамларда кўринг, кўксини нишонларга тўлдириб юради. Биз болалар, атрофида уйалла-шиб саволлар ёғдирамиз. Эринмай медалларини номма-ном таърифлайди, сал ҳаддимишдан ошсак, дарҳол қаддини ростлаб, ҳарбийча буюради:

- Атставет, тарқалинглар!
Асли қарелик, қишлоғимизга қачон келган, бил-майман, ҳар хил гаплар юради. Фақат унинг муқад-дам ҳарбий бошлиқ бўлгани, истеъфога чиқиб, шу жойларга келиб қолгани кўпчиликка маълум.

Қишлоқ аҳли уни "Комбат" деб атайди.
Биз болалар Комбат амаки, комбат тоға деймиз. Комбатнинг феъл-атвори ғалати. Қачон қара-манг, кўча кезиб юради. У маҳаллаком бўлмаса-да, уйма-уй кириб ҳол-аҳвол сўрайди «Газинг борми, светинг ўчмаяптими, нима муаммо?» - деб савол беради, ҳовли атрофини қузатади. Бирор камчи-лиқни кўрса одатига кўра «атставет» дея тергаб топшириқлар беради:

- Манави, аригингни қовла! ... Деворингни окласанг бўлмайдингиз? ...Анави ернинг ўтини чоп! ...Кўчага ахлат ташлабсан, уят-ей, тез ол!..

У фақат айтиб қўймайди. Ўзи бош бўлиб, кичик ҳашар ташкил қилади, қўни-қўшниларни чақира-ди. Комбат буюрдими тамом, вaж-баҳона ўтмайди. Улар ноилож кетмон, лопатка, сўпурги олиб ком-батнинг сафига қўшилади.

Тўйларда у киши чорпояда талтайиб ўтирмай-ди. Маърака худди оға-инисиникидек гoҳ ўртада, гoҳ қозон бошида, гoҳида хизматчилар тепасида туриб қайвонилиқни ўз зиммасига олади. Комбат шу ердами, бас тўй эгаси хотиржам, келди-кетдига қараш, меҳмонларга хизмат, тартиб рисоладаги-дек. Тўй тугагач, комбат тўй хизматчиларини бир даврага тўплайди, ҳар бирининг исми, фамилияси-ни айтиб, армиядагидек рағбат эълон қилади.

Комбатнинг маъракаларда «каттачилик» қилишига қишлоқ аҳли кўниқкан. Фақат айрим димоғдор кишилар унинг бу одатини ёқтирмайди. Орқаворотдан уни миёси айниган, деб ғийбат қи-лади. «Афғонда» снаряд отишда қoлиб, шу кўйига туш-ган-да бечора, деб ёлғондака ачиниб қўйишади.

Биз, болалар бу гапларга парво қилмаймиз. Комбатни кўрдикми, дарҳол унга саломга ошқа-миз, у киши ўргатгандек ҳарбийчасига салом берамиз. Бизга унинг чап қўлини манглайига тегизиб саломимизга ҳарбийча алиқ олиши ёқади. Ҳар сафар рўпарасига пешовз чиқиб, қайта-қайта салом бергимиз келаверади.

У киши кўринмай қолса хавотирга тушиб, сўроқлаб ҳовлисига бoрамиз. Дарича ортидан ҳар галгидек хотини татарча лаҳжада қoйнади:

- Ятйбди, мейзиси йўк. Итдай чопқандан кейин аҳвали шулда. Келганларинг айтиб қўям.

Бизни ичкарига киритмайди. Одати шунақа. Бугун, уч-тўрт нафар жўралар гаплашиб турган эдик. Кўча муюлишида Комбат амаки кўриниб қoлди. Дарҳол қадамимизни аскарчасига ростладик, у ёқ-бў ёғимизни тузатган бўлдик. Бир овозда, баралла салом бермоққа, уни мамнун қилишга шайландик.

- Атставет! - деди у. - Вақт зик. Қани, ҳамманг орқамдан марш!

У қишлоқда бирор юмушни зудлик билан бажариш лoзим бўлса, бизни тўплаб, ҳозиргидай «тревога» эълон қиларди.

Комбатга эргашдик. У одатига кўра тез, залвор-ли одимларди. Пошналарининг ерга урилиб гурс-гурс овоз бериши бизни руҳлантирар, қандайдир

жанговар вазифани бажаришга қoғлангандек ғайратланиб борардик. Ҳаял ўтмай кўчамиз охири-даги Муниса бувининг уйига етиб келдик. Дарвоза ёнида «Тез ёрдам» машинаси турарди. Комбат ичкарига кириб кетди.

Муниса буви анчадан буён бетоб эди. Шаҳар-дан қизи келган, қўни-қўшни аёллар ҳам бувининг ёнига кириб-қиқиб туришибди.

Комбат ичкаридан оқ халатли икки киши ҳамроҳлигиде чиқди. Дарвоза ёнида улар бироз тўхтаб, гаплашди. Қулоғимга «кампир эртагача бормайди, ҳозирлик кўраверинглар» деган гаплар чалинди.

- Гап бундай, йигитлар, - деди Комбат «Тез ёрдам» кетгач.

- Сен, бир-икки бола топ, оҳақ келтир, мана-ви деворни оқла. Аввал сўпурги билан чангтини яхшилаб тoзала.



Сўнг у иккинчимизга юзланди: - Сен муллага хабар қил. Эрталаб олтида шу ерда бўлсин. Кейин бир-икки шерик топиб йигирмата ўтиргич ташкил қил. Жанозага келганлар ўтиришади. Мирсалимга айт, тракторини кўшсин.

- Ҳой, сен, - дея у учинчимизга топшириқ бера бошлади. - Сен бор, гўрқовларга тайинла! Бугуноқ жойини тахлаб қўйишин. Хаво иссик, майитни сақлаб бўлмайди. Бувини пешинга қолдирмаймиз, чошгоҳда кўямиз. Нарвонни ҳам келтириб, тoзалаб ювиб қўйинглар.

Ишларни тайинлаб у одатига кўра баланд овоз-да гапини тугатди:

- Ҳаммага тушунарлими?!

Биз тезкор топшириқни қабул қилиб бажаришга қoғландик.

- Атставет! - деди Комбат. - Момо ҳали ҳаёт. Ор-тиқча гап-сўз керакмас. Аммо дўхтирлар эрталаб-га бормайди, дейишди. Айтганларимни бажариб, кечга шахсан ўзимга "доложит" қиласизлар хўпми?

Комбат айтдики, демак, бажариш керак. Бувининг ҳовлисида сўпир-сидир бошланди. Оғил, айвон, тандирхона деворларининг кўчган жойларини сувоқ қилди, оқладик, дeрaзa oйна-ларини арткид, чиқиндиларни замбилда чиқардик, ҳамма ёқни чининдай ялтиллайтиб қўйдик. Бу орада тракторда ўтиргичлар келтириб, дарвоза ёнига тахланди, қозон, самовар, ўчоқ ичкарига ташилиб, жойлари белгиланди. Тракторда эртага ювиш-ча-йиш ва бошқа заруратлар учун бир цистерна сув ҳам келтирилиб қўйилди.

Кечга яқин мулла келди. Комбат мени ёнига им-лади. Учаламиз бувининг ёнига кирдик. У тўшакда узала ётарди. Унинг ярим очиқ кўзларида, ҳазин нигоҳларида ҳали ҳаёт учқунлари бордек эди. У

«Хикоя»

ўтирилмасдан биз томон нигоҳ қилди. Бувининг қуруқшаб қорайган лабларида, сарғайган, нурсиз чехрасида уйқусида қулган гўдакникига ўхшаш бир жилва ялт этиб кетди. Назаримда, буви ташка-рида ўзи учун кўрилатган тарaddудни фаҳмлаб ётарди.

Мулла «Ёсин»ни узоқ ўқиди. Сўнг, Комбат икка-ламиз телеграфга бориб, бувининг узоқ қариндош-ларига хабар юбордик.

- Келадими, келмайдими ихтиёри, - деди Комбат. - Аммо айтилган соатга етиб келишмаса кутмаймиз. Қариндош-уруғ дегани бугуноқ келиб, элга кўриниш қилиб турмайдимиз?

У яна нимадир демоқчи бўлди, бироқ индамади. Фақат хайрлашар чоғида мендан шунчаки сўра-ётгандек, сўзларининг ҳозирги вазиятга мутлақо алоқаси йўқдек ва саволига жавобни ҳам ўзи қил-гандек гапирди:

- Дўхтирлар адашмайди, а?... Йўқ, адашмайди! Алламаҳалгача уйқум келмади.

Марҳумни чиқаришга ҳамма нарса тайёр. Ҳатто гўри ҳам қовлаб қўйилди. Фақат буви ҳали тирик. Бу ёғи қандоқ бўлди? Эрталабгача жони узилмаса, нима бўлади? Уйлайвериб бошим қотди. Қизик, шу топда Комбат нима қияпти, ухлаятпимикан-а?

Бувининг аҳволи оғир. У бугун бўлмаса эртага ё индин барибир кетади. Бироқ ҳали нафас олиб, жони узилмай турган кишини ўлдига чиқариб жанозасига тайёргарлик қўриб тўғри қилдикми? Дўхтирларнинг айтгани хато чиқиб, яна бир икки кун ўлмаса-чи? Ана гап-сўз, мана шов-шув!

Шу топда Комбатга ачиниб кетдим. Ишлар тескари кетса, у маломатга қолиши аниқ. Шундоқ ҳам баъзилар уни ёқтирмайди, орқаворотдан «ана, контужини келяпти», «бурнини ҳар жойга суқиб юради, ғаламис» «ким бўпти у, каттачилик қилиб» дейишади.

Бўлар иш бўлди, ғишт қолипдан кўчди. Муниса бувининг жони узиладими, йўқми, энди фарқи йўқ, Комбат қомбатлигини қилди! Бувининг шаҳардан келган ёлғиз қизини ҳисобга олмаганда қишлоқда деярли яқин қариндоши йўқ. Ўлик чиқариш ҳам қатта ташвиш, югур-югури, харажатлари бор. Эҳтимол, Комбат ана шуларни ўйлаб, эрталаб шо-шиб қолмайлик, бувининг ёлғизлигини билдирмай-лик деган фикрда керакли чораларни кўриб қўйди. Шундай ўй-хаёллар билан ўзимни овутиб ухлаб қолибман. Тонгда туйқус уйғoниб кетдим. Олсдан-ми, яқиндами қандайдир товушлар қулоғимга чалингандай бўлди. Бир пас жим ётдим. Кўп ўтмай субҳ сукунатиини йиртгандай дахшатли чиқкириқ эшитилди. Бу бошига оғир мусибат тушган аёл кишининг фарёди эди:

- Вой онам-о-о-ов! Вой, онажоним!!! Ўрнимдан отилиб турдим.

Шу топда Комбатни жуда кўргим, унинг қўлини сикким келди.

Мен дарҳол чопон, қалпоғимни олдим-да, йўл-йўлкай қийиб, кўчага югурдим. Бувининг дарвозаси ёнида тўрт-беш эркак қўл қовуштириб туришарди. Уларнинг орасида Комбат ҳам бор эди. У ҳар қачонгидан қўра улуғвор, эгни-даги қоржомаси янада ярашқили эди.

У секин ёнимга келди, менга белбоғ узатди.

- Атставет! Сенга топшириқ бор. Кўча бошидаги дарахтга манавини ил. Қип-қизил бўлиб кўриниб турсин. Кейин қишлоқ айланми овоза қил. Олга!

Мен гуё фавқулодда муҳим топшириқ олгандай ғурур билан кўча бошига чопдим.

Жўрақул НАРЗУЛЛАЕВ, Пахтачи тумани.

«Хажвия»

Думли юлдуз

Ашир осмон ҳодисаларига қи-зикади. Телевизорда думли юлдуз кўринишини эшитиб қолди-ю ҳаловати йўқолди. Ўша пайтти зориқиб кута бошлади: «Думи қанақа бўларкан?

Ўша оқшом келди. Теварак-атроф тин-чигач, ташқарига чиқди. Осмонга қаради - сирли ва улуғвор юлдузлар им қоқиб, милтиллайди. Думли юлдуз кўриниши лoзим бўлган ғарбий уфққа тикилди. Бироқ у кўринмасди. Осмонга яхшироқ разм солиш учун ҳовли охиридаги оғил устига чиқди. Бўлмади, қўшнингнинг оғилининг иккинчи қаватига ўтди. Само бор бўй-баста билан намоён бўлди. Аммо думли юлдуз кўрин-масди. «Тунда оддий кўз билан қузатиш мумкин дейилганди. Балки, энди кўриниб қолар...»

Аширнинг вужуди кўзга айланди. У том тепасида қанқайиб ўтириб, осмонга тикиларди. Лекин думли юлдуздан дарак йўқ. Кўзи толиб, уйқу элитди... Мудрай бошлади.

Ташқарига чиққан қўшниси Ғани ака-нинг кўзи баланд том тепасида одам шар-пасига тушди-ю, сесканиб кетди. Ҳақиқатан шарпа эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун кўзларини юйиб, ўтган биринчи фикр шу бўлди, «Ҳойнаҳой, новвосга келган!».

Ғани ака қўлига қалтак олиб, секин томга чиқиб борди. Писиб яқин боргач, тошдай қотиб турган шарпанинг гарданига қалтак билан туширди.

«Вой!» шарпа гурсиллаб томдан қулади. Яхшиям ғўзапоя уюми устига йиқилди... Овозини чиқарса қўшини таниб қoлади. Миқ эмасдан лат еган оёғини уқалаб ура қoчди. Кўча айланиб уйига келди-ю қийм-ларини алмаштириб, шовқин-сўрон бўлаёт-ган қўшинисиникига ўтди.

- Баччағар, қoчиб кетди, қўлимга тушганида терисини шилиб олардим, - дерди Ғани ака тўпланганларга. - Яхшиям вақтида қийибман, акс ҳолда новвосимдан айрилармиким.

- Изига тушиш керак. Ҳали узоққа ке-толмагандир, - деди Пирим қўшни. - Қани, ҳамма кўчага, маҳалла гузарига учраша-миз. Ушлаб милисага топширамиз. Ашир сен қатта йўлни айланиб чиқ!

- Ҳўп, ака! - Ашир қалтак зарбидан ачи-шаётган елкасини ушлаб, «хайрият таниш-мади» деб қўйди. Дарвозадан чиқар экан, кўрқа-писа осмонга қараб қўйди. Юлдузлар милт-милт нур сочар, бироқ думли юлдуз кўринмасди.

Тоғаймурод ШОМУРОВОВ.



Мустақиллик йиллари Самарқандда

2011 йил, май

Вилоят умумтаълим мак-табларининг 9-синфини 70 минг 500 нафар, 11-син-фини 2100 нафар ўқувчи тибтирди.

июнь

Вилоят пиллакорлари давлатга 2700 тонна сано-ат хомашёси топширди.

Ургут туманида кунига 3,5 минг дoна полипропи-лин қоп ишлаб чиқариш қувавтига эга "Нав-боғ-Техрон" масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.

июль

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси ва Украинанинг "Аэросвит" авиакомпанияси ўртасида тузилган шартномага асо-сан "Киев-Самарқанд-Ки-ев" авиайўналиши ташкил этилди.

Вилоятда 2011 йил бирин-чи ярим йилликда 1194 та тadbиркорлик субъекти янгидан ташкил этилди. Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликнинг ялпи ху-дудий маҳсулотдаги улushi 66,4 фоизни ташкил этди.

Самарқанд шаҳрида 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган ёшлар бўш вақтларини маъмулй ўтказишлари учун "Баркамол авлод" болалар маркази ташкил этилди.

25 июль куни вилоят ҳoки-ми 3.Мирзаявнинг қарори-га кўра, Олимжон Очиров Жoмбой тумани ҳoқими этиб тайинланди.

Вилоят ғаллакорлари давлат омборига 580 минг тонна дон етказиб берди.

август

25 август куни Самарқанд шаҳрида "Шарқ тарона-лари" саккизинчи халқарo мусиқа фестивали бош-ланди. Унда 56 мамла-катдан 300 дан ортиқ мусиқашунослар, хонанда ва созандалар қатнашди.

26 август куни Регистон майдонида "Шарқ тарoна-лари" фестивалининг очи-лиш маросими ўтқа-зилди. Фестиваль очили-шида Президент Ислам Каримов иштирок этди ва анжуман қатнашчиларини табриқлади.

сентябрь

23 сентябрь куни Бутун-жаҳон халқ вакиллари доимий қўмитаси раиси У Банго раҳбарлигидаги Хитой Халқ Республикаси парламент делегацияси Самарқандга келди.

октябрь

Жoмбой туманида ип-қа-лава ишлаб чиқарувчи "Artek international" Ўзбекис-тон-Буюк Британия қўшма қорхонаси иш бошлади.

Zarafshon

САМАРҚАНДСКИЙ ВЕСТНИК

MUASSIS:

«Zarafshon» va «Самаркандский вестник» gazetalarі tahririyati mas'uliyati cheklangan jamiyati

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat matbuot va axborot boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 12 551 nusxada chop etildi. Buyurtma 497

Gazeta haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.



Hajmii 2 bosma taboq, bichimi A-2

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56 BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61